

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил февраль ойининг 5 кунини Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Ф.Саматов, ҳайъат судьялари Т.Алмаматов ва И.Карабаевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Азизкулованинг котибалигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Б.Султонов, судланган М.Уразалиевнинг ҳимоячиси - адвокат О.Джураев, жабрланувчи Н.Рустамова ҳамда Б.Жабборовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2024 йил 1 ноябрдаги ҳукмига асосан судланган

**Уразалиев Мухаммад-Бобур Нуралиевич** (Urazaliyev Muxammad-Bobur), 1991 йил 25 мартда Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, мукаддам; жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2024 йил 14 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандининг билан ЖК 59,62-моддаларига асосан, иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 3 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жазони ўтамаган, “Оқдарё Чорвачилик ва томорқа хизмати” МЧЖ ва “Каттақўрғон таъминот хизмати” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаган, оилали, 1 нафар фарзанди бор, Жомбой тумани, “Олмазор” МФЙга қарашли Еттиўғил кишлоғи 79-уйда яшайди, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан жабрланувчи Н.Рустамова ва Б.Жабборовлар томонидан келтирилган тафтиш шикоятига асосан жиноят ишини тафтиш тартибидан кўриб чиқиб қуйидагиларни,

### а н и қ л а д и :

М.Уразалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил, 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан 5 йил, 184-моддаси 3-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан 2 йил, 189-моддаси 1-қисми билан 1 йил 6 ой ахлоқ



тузатиш ишлари, ЖК 59,61-моддалари тартибида 6 йил 6 ой, ЖК 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддалари тартибида 6 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 25 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан судланган М.Уразалиевдан Оқдарё туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига 372.600.000 сўм, жабрланувчилар Р.Жўрақулова фойдасига 30.000.000 сўм, Ф.Абдусалимов фойдасига 9.000.000 сўм, Н.Рустамова фойдасига 30.000.000 сўм, А.Меликов фойдасига 30.000.000 сўм, Б.Баходиров фойдасига 26.000.000 сўм, З.Жўраева фойдасига 32.000.000 сўм, Б.Жабборов фойдасига 33.000.000 сўм ва А.Салоҳиддинов фойдасига 13.500.000 сўм зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган М.Уразалиев Каттақўрғон шаҳрида жойлашган “Каттақўрғон таъминот хизмати” МЧЖни ташкил этиб, фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли ҳамда 2019 йил 24 октябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сонли қарорлари асосида “Микрокредитбанк” АТБ Лойиш филиалидан имтиёзли кредит олиб, банкдан олган кредит маблағларига уч ғилдиракли юк мотороллери олиб тадбиркорлигини ривожлантирмоқчи бўлган фуқаро Р.Журақулова билан 2022 йил 22 ноябрда 916821-сонли электрон шаклда шартнома тузилганлигидан фойдаланиб, Р.Журақулованинг қариндоши А.Инатова келишилган уч ғилдиракли юк мотороллерини етказиб беришини айтиб, уни ишонтириб, фуқаро билан банк ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви электрон техника орқали киритилишидан фойдаланиб, банкка Р.Жўрақуловага гўёки 1 донга уч ғилдиракли юк мотороллери етказиб берганлигини кўрсатиб, №150-сонли сохта электрон ҳисоб варақ-фактурани қалбакилаштириб, тақдим қилиб, унга ҳали етказиб берилмаган маҳсулотини ўрнига шунга ўхшаш уч ғилдиракли юк мотороллерини олдида маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси мониторинг текширувга келган вақтида фото суратга тушишини айтиб, банк томонидан унинг ҳисоб рақамига жабрланувчи Р.Журақулованинг номига банкдан ажратилган 30.000.000 сўм кредит маблағларини жамияти ҳисоб рақамига туширишига эришиб, ҳисоб рақамига тушган 30.000.000 сўмлик имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, судланган М.Уразалиев “Oqdaryo Chorvachilik va Tomorqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятга ўзи раҳбарлик қилиб келиб, ушбу жамиятда ишлаб келиши давомида ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан, такроран, ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, фуқаро



Ф.Абдусалимовни тадбиркорлик қилиш учун АТБ “Халқ банк” Оқдарё тумани филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун 24.000.000 сўм миқдордаги кредит пулларини олмоқчи бўлиб юрганлигидан хабар топиб, 2023 йил 25 февралда 1098614-сонли шартнома тузишга эришиб, шартномага мувофиқ 9 бош қўйларни етказиб беришга келишиб, шартномада 9 бош қўйларни етказиб беришга келишган бўлса-да, унга баҳоси 15.000.0000 сўмлик 6 бош қўйларни етказиб бериб, гўёки қўйлари қолмаганлигини айтиб, Қозоғистон Республикасидан зотдор қўйлар келаётганлигини, қолган уч бош қўйларни зотдор қўйлар келгандан сўнг олиб келиб беришига уни ишонтириб, фуқаро билан банк ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви электрон техника орқали киритилишидан фойдаланиб, банкка Ф.Абдусалимовга гўёки қўйларни тўлиқ етказиб берганлигини кўрсатиб, №810-сонли сохта электрон ҳисоб варақ-фактурани қалбакилаштириб, банкка тақдим қилиб, банк томонидан ажратилган 24.000.000 сўм пуллардан қолган 9.000.000 сўм имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланган М.Уразалиев “Oqdaryo Chorvachilik va Tomoqqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятга ўзи раҳбарлик қилиб келиб, ушбу жамиятда ишлаб келиши давомида ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан, такроран, ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, фуқаро Н.Рустамовани тадбиркорлик қилиш учун АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун 30.000.000 сўм миқдордаги кредит пулларини олмоқчи бўлиб юрганлигидан хабар топиб, жабрланувчи Н.Рустамовага унинг номига банкдан кредит пуллари чиққандан сўнг 8 бош қўйларни олиб келиб беришини айтиб, фуқаро билан банк ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви электрон техника орқали киритилишидан фойдаланиб, банкка Н.Рустамовага гўёки 8 бош қўйларни етказиб берганлигини кўрсатиб, 2023 йил 7 июнда 1523516-сонли шартномага асосан №834-сонли сохта электрон ҳисоб варақ-фактурани қалбакилаштириб, тақдим қилганлиги натижасида, банк томонидан жамиятига 30.000.000 сўм кредит пулларини кўчиришга эришиб, ушбу кўчган пуллар эвазига жабрланувчига 8 бош қўйларни етказиб бермасдан, кредит пулларни нақдлаштириб ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, судланган М.Уразалиев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадини кўзлаб, юридик манзили Оқдарё туманида жойлашган “Oqdaryo Chorvachilik va Tomoqqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятдаги вазифасига фуқаролар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, унинг жамияти ҳисоб рақамига тушган кредит маблағлари эвазига, фуқарога маҳсулотларини етказиб таъминлаб беришдан иборат бўлса-да, АТБ “Халқ банк” Самарқанд шаҳар филиалидан 30.000.000 сўм имтиёзли кредит олиб, қўйчилик тадбиркорлигини қилмоқчи бўлган жабрланувчи А.Меликов билан 2023 йил 15 июнда №1540822-сонли шартнома тузишга эришиб, шартномага мувофиқ А.Меликовга қўйларни етказиб беришга келишиб, 8 бош қўйларни етказиб бериб, қўйларни 2-3 кун вақт боққандан сўнг, қўйлар яхши эмаслигини айтганлиги сабабли, у қўйларни қайтариб олиб кетишини айтганлигидан



фойдаланиб, А.Меликовдан қўйларини олиб кетиб, ўрнига зотдор қўйларни олиб келиб беришини айтиб, уни ишонтириб, олиб кетган 8 бош қўйларини қайтариб олиб келиб бермасдан, ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланган М.Уразалиев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадини кўзлаб, юридик манзили Оқдарё туманида жойлашган “Oqdaryo Chorvachilik va Tomorqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятдаги вазифасига фуқаролар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, унинг жамияти ҳисоб рақамига тушган кредит маблағлари эвазига, фуқарога маҳсулотларини етказиб таъминлаб беришдан иборат бўлса-да, эгаллаб турган мансаб ва мавқеига кўра мансабдор шахс бўла туриб, АТБ “Микрокредитбанк” Оқдарё тумани филиалидан 30.000.000 сўм имтиёзли кредит олиб, қўйчилик тадбиркорлигини қилмоқчи бўлган жабрланувчи Б.Баходиров билан 2022 йил 4 декабрда №964364-сонли шартнома тузишга эришиб, шартномага мувофиқ Б.Бахриддиновга қўйлар ва омухта ем маҳсулотларини етказиб беришга келишиб, дастлаб 5 бош қўйларни етказиб бериб, Б.Баходиров етказиб берилган қўйларни 2023 йил январь ойига қадар бокқандан сўнг, қўйлар касал бўлиб қолганлиги сабабли, у қўйларни қайтариб олиб кетишини айтганлигидан фойдаланиб, Б.Баходировдан қўйларини олиб кетиб, ўрнига зотдор қўйларни олиб келиб беришини айтиб, уни ишонтириб, олиб келиб берган 5 бош қўйларидан 4 бошини қайтариб олиб кетиб, унга шартномада кўрсатилган ем маҳсулотини ҳам олиб келиб бермасдан, ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, судланган М.Уразалиев “Oqdaryo Chorvachilik va Tomorqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятга ўзи раҳбарлик қилиб келиб, ушбу жамиятда ишлаб келиши давомида, такроран фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, фуқаро З.Жўраевани тадбиркорлик қилиш учун АТБ “Халкбанк” Нуробод тумани филиалидан 32.000.000 сўм миқдоридаги кредит пулларини олмоқчи бўлиб юрганлигидан хабар топиб, жабрланувчи З.Жўраевага унинг номига банкдан кредит пуллари чиққандан сўнг 1 дона автомашина ювиш учун пуркагувчи (карчер) қурилмасини, 1 дона ҳаво компрессори, 1 дона насосни, 1 дона саноат чангютгични, 1 дона чангютгич карчер ювадиган қурилмаларини олиб келиб беришини айтиб, фуқаро билан банк ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви электрон техника орқали киритилишидан фойдаланиб, банкка З.Жўраевага гўёки 1 дона машина ювиш учун пуркагувчи (карчер) қурилмасини, 1 дона ҳаво компрессори, 1 дона насосни, 1 дона саноат чангютгични, 1 дона чангютгич карчер ювадиган қурилмаларини етказиб берганлигини кўрсатиб, 2023 йил 28 февралда 1109388-сонли шартномага асосан №1-сонли сохта электрон ҳисоб варақ-фактурани тақдим қилганлиги натижасида, банк томонидан жамиятига 32.000.000 сўм кредит пулларини кўчиришга эришиб, ушбу кўчган пуллар эвазига жабрланувчига 1 дона машина ювиш учун пуркагувчи (карчер) қурилмасини, 1 дона ҳаво компрессори, 1 дона насосни, 1 дона саноат чангютгични, 1 дона чангютгич карчер ювадиган қурилмаларини етказиб



бериб, жабрланувчи З.Жўраева томонидан у томонидан етказиб берилган маҳсулотларни хужжатларини беришини талаб қилгандан сўнг, у олиб келиб берган аппаратларини ўрнига бошқа аппаратларни олиб келиб беришини айтиб, уни ишонтириб, маҳсулотларни қайтариб олиб кетиб, қайтариб олиб кетган аппаратларини ўрнига шартномада кўрсатилган Карчер аппаратларини олиб келиб бермасдан ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланган М.Уразалиев “Oqdaryo Chorvachilik va Tomorqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятга ўзи раҳбарлик қилиб келиб, ушбу жамиятда ишлаб келиши давомида, такроран фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, фуқаро Б.Жабборовни банкдан имтиёзли кредит олиб, қўй олмоқчи эканлигидан фойдаланиб, жабрланувчи Б.Жабборовни таниши Д.Сиддиқова билан гаплашиб, унга таниши Б.Жабборовга қўйларни етказиб беришини айтиб, кредит олмоқчи бўлган фуқаро билан банк ўртасидаги кредит хужжатлар тайёр бўлгандан сўнг, у билан электрон шаклда 2023 йил 7 июнда 1522532-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномага мувофиқ Б.Жабборовнинг номига АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун 33.000.000 сўм миқдоридagi кредит пулларини ўзининг ҳисоб рақамига туширишга эришиб, жабрланувчи Б.Жабборовга 11 бош қўйларни тергов жараёнида шахсни аниқлашни имкони бўлмаган таниши орқали етказиб бериб, ушбу етказиб берган қўйларини етказилганлигини текшириш учун ҳоким ёрдамчиси келиб, қўйларни фото суратга тушириб кетгандан сўнг, Б.Жабборовдан ушбу қўйларни ўрнига бошқа зотдор қўйларни олиб келиб беришини айтиб, уни ишонтириб, олиб келиб берган 11 бош қўйларини қайтариб олиб кетиб, ушбу қўйларни ўрнига бошқа қўйларни етказмасдан ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, судланган М.Уразалиев “Oqdaryo Chorvachilik va Tomorqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятга ўзи раҳбарлик қилиб келиб, ушбу жамиятда ишлаб келиши давомида фирибгарлик йўли билан, такроран, ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, фуқаро Салоҳиддинов Алимжонни тадбиркорлик қилиш учун АТБ “Микрокредитбанк” Оқдарё тумани филиалидан 13.500.000 сўм миқдоридagi кредит пулларини олмоқчи бўлиб юрганлигидан хабар топиб, жабрланувчи А.Салоҳиддиновга унинг номига банкдан кредит пуллари чиққандан сўнг 1 дона электр токига юрадиган скутер олиб келиб беришини айтиб, фуқаро билан банк ўртасидаги хужжатлар алмашинуви электрон техника орқали киритилишидан фойдаланиб, 2023 йил 11 октябрдаги 1846264-сонли шартномага асосан №33-сонли сохта электрон ҳисобварақ-фактурани банкка тақдим қилганлиги натижасида, банк томонидан жамиятига 13.500.000 сўм кредит пулларини кўчиришга эришиб, жабрланувчи А.Салоҳиддиновга скутер аппаратини етказиб бермасдан, балки Булунғур туманида яшовчи фуқаро Туволов Аббосдан пули тўланмаган скутерни олиб келиб бериб, орадан 2 ой муддат ўтгандан сўнг, олиб келиб берган скутерни қарзга олганлигини, ушбу аппаратни фуқаро А.Туволовга қайтариб бериб юборишини, ўрнига бошқа янги скутерни олиб келиб беришини айтиб, уни



ишонтириб, скутерни унга олиб келиб бермасдан ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланган М.Уразалиев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Oqdaryo Chorvachilik va Tomoqqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, унга 2022 йил 14 декабрдан ҳозирги кунга қадар раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддаси талабларини кўпол равишда бузиб, жамият томонидан 2022 йил ноябрь ойдан 2023 йил июль ойига қадар бўлган фаолияти даврида пул кўчириш йўли билан сотиб олинган ва ҳисоботларда қолдиқда эканлиги кўрсатилган жами 3.105.188.269 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб юбориб, жамиятга кирим қилмаганлиги натижасида 372.600.000 сўм кўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан жуда кўп миқдордаги солиқларни яшириб, давлат бюджетига тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Шунингдек, судланган М.Уразалиев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Oqdaryo Chorvachilik va Tomoqqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, унга 2022 йил 14 декабрдан ҳозирги кунга қадар раҳбари лавозимида ишлаб келиб, 3.105.188.269 сўмлик юқори ликвидли товарларни нақд пулга сотиб юбориб, савдодан тушган нақд пул маблағларини банк кассасига топширмасдан ва назорат касса машинасидан ўтказмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли ва 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли Қарорлари талабларига риоя қилмасдан пул маблағларини банкдан ташқари ноқонуний айланмасига йўл қўйиб савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Тафтиш шикоятда, суднинг ҳукми билан судланган М.Уразалиевдан жабрланувчи Н.Рустамова фойдасига 30.000.000 сўм, жабрланувчи Б.Жабборов фойдасига 33.000.000 сўм зарар ундириш белгилангани, ҳозирда банк кредит қарздорлигини улардан талаб қилаётганлиги сабабли зарарни судланувчидан банк фойдасига ундиришни белгилаш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси И.Карабаевнинг маърузасини, прокурор Б.Султонов, судланган М.Уразалиевнинг ҳимоячиси - адвокат О.Джураевнинг шикоятни рад қилиш, жабрланувчи Н.Рустамова ва Б.Жабборовларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгартиришни, шикоятни эса қаноатлантирилмасдан қолдиришни лозим топди.

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандидаги, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, тергов



ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги ҳақидаги тушунтиришларга қатъий амал қилган ҳолда жиноят ишида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланган М.Уразалиевнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, 184-моддасининг 3-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 189-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Судланган М.Уразалиевнинг суд қарорларида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликдаги айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, биринчи инстанция судида сўралган жабрланувчи А.Меликов, Р.Жўрақулова, З.Жўраева, Д.Салоҳиддинов, Ф.Абдусаломов, Б.Жабборов, Н.Рустамова, фуқаровий даъвогар Ф.Исакулов, гувоҳлар Б.Баходиров, С.Абдурахмонов, Д.Сиддиқова, А.Нематов, А.Тувалов, Д.Ганиев, Л.Эшмуродов, Ш.Маматкулов, Л.Хайдарова, Ғ.Ниязов ва У.Холмўминовнинг кўрсатувлари, шунингдек, ишдаги далолатнома, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари каби объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важлар билан қуйидаги асосларга кўра келишмайди.

Иш ҳужжатларига кўра, судланган М.Уразалиев “Oqdaryo Chorvachilik va Tomoqqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятга ўзи раҳбарлик қилиб келиб, ушбу жамиятда ишлаб келиши давомида, такроран фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи Б.Жабборовни банкдан имтиёзли кредит олиб, қўй олмоқчи эканлигидан фойдаланиб, жабрланувчи Б.Жабборовни таниши Д.Сиддиқова билан гаплашиб, унга таниши Б.Жабборовга қўйларни етказиб беришини айтиб, кредит олмоқчи бўлган фуқаро билан банк ўртасидаги кредит ҳужжатлар тайёр бўлгандан сўнг, у билан электрон шаклда 2023 йил 7 июнда 1522532-сонли шартнома расмийлаштириб, шартномага мувофиқ Б.Жабборовнинг номига АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун 33.000.000 сўм миқдоридаги кредит пулларини ўзининг ҳисоб рақамига туширишга эришиб, жабрланувчи Б.Жабборовга 11 бош қўйларни тергов жараёнида шахсни аниқлашни имкони бўлмаган таниши орқали етказиб бериб, ушбу етказиб берган қўйларини етказилганлигини текшириш учун ҳоким ёрдамчиси келиб, қўйларни фото суратга тушириб кетгандан сўнг, Б.Жабборовдан ушбу қўйларни ўрнига бошқа зотдор қўйларни олиб келиб беришини айтиб, уни ишонтириб, олиб келиб берган 11 бош қўйларини қайтариб олиб кетиб, ушбу қўйларни ўрнига бошқа қўйларни етказмасдан ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, М.Уразалиев “Oqdaryo Chorvachilik va Tomoqqa Xizmati” МЧЖни ташкил этиб, жамиятга ўзи раҳбарлик қилиб келиб, ушбу жамиятда ишлаб келиши давомида ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан, такроран, ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи Н.Рустамовани тадбиркорлик қилиш учун АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун 30.000.000 сўм миқдоридаги



кредит пуллари олиб келиб беришини айтиб, фуқаро билан банк ўртасидаги хужжатлар алмашинуви электрон техника орқали киритилишидан фойдаланиб, банкка Н.Рустамовага гўёки 8 бош қўйларни етказиб берганлигини кўрсатиб, 2023 йил 7 июнда 1523516-сонли шартномага асосан №834-сонли сохта электрон ҳисоб варақ-фактурани қалбакилаштириб, тақдим қилганлиги натижасида, банк томонидан жамиятига 30.000.000 сўм кредит пуллари кўчиришга эришиб, ушбу кўчган пуллар эвазига жабрланувчига 8 бош қўйларни етказиб бермасдан, кредит пулларни нақдлаштириб ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Кассация инстанцияси судида сўралган фуқаровий даъвогар АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиали муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Ш.Бахриддинов ўз кўрсатувида, АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун Н.Рустамовани номига 30.000.000 сўм, Б.Жабборовни номига 33.000.000 сўм миқдорида кредит ажратилгани, Н.Рустамова ва Б.Жабборов электрон калити орқали “Оила кредит” платформаси орқали электрон шаклда ариза ёзганлиги, ариза электрон шаклда имзолаганлиги, Н.Рустамова, Б.Жабборов ва таъминотчи “Oqdaryo Chorvachilik va Tomoqqa Xizmati” МЧЖ ўртасида шартнома имзолангани, таъминотчи корхона чорва қўйларини етказиб берганлиги, Н.Рустамова ва Б.Жабборовлар қўйларни олганлиги ҳақида суратга тушганлиги, ҳоким ёрдамчиси буни тасдиқлаганидан кейин банк кредит пулини таъминотчи корхона ҳисоб рақамига ўтказиб берганлиги, кредит ажратилиши қонуний бўлганлиги, ҳозирги кунда Н.Рустамова ва Б.Жабборов номига ажратилган кредитлар ёпилмаганлиги;

биринчи инстанция судида сўралган судланган М.Уразалиев ўзининг кўрсатувида, “Оқдарё чорвачилик ва томорқа хизмати” жамияти ҳисоб рақамига Н.Рустамованинг номига чиққан 30.000.000 сўм кредит пуллари келиб тушганлиги, у фуқаро билан тузилган шартномага мувофиқ 8 бош қўйларни етказиб бериши керак бўлганлиги, Н.Рустамованинг ўзини танимаслиги, унинг ўзини суд жараёнида кўрганлиги, унинг номига чиққан кредит пуллари нақдлаштириб пул қилиб бериш бўйича фуқаро Д.Сиддиқова билан келишганлиги, Н.Рустамовага қўйларни олиб бориб бермаганлиги, уни жамияти ҳисоб рақамига Б.Жабборовнинг номига чиққан 33.000.000 сўм кредит пуллари келиб тушганлиги, фуқаро билан тузилган шартномага мувофиқ 8 бош қўйларни етказиб бериши керак бўлганлиги, Б.Жабборовнинг ўзини танимаслиги, унинг ўзини тергов жараёнида кўрганлиги, унинг ўзи билан кредит масаласида гаплашмаганлиги, фуқаро Д.Сиддиқова билан келишганлиги, Б.Жабборовга қўйларни олиб бориб бермаганлиги, Д.Сиддиқова билан келишганлиги, фуқаролар билан қўй етказиб бериш бўйича шартнома тузган бўлса-да, аслида пулларни нақдлаштиришга келишганлиги, уларга қўйларни етказиб бермаганлиги, қўйларни олиб бориб берганлигини ва қайтариб олиб кетганлигини тасдиқловчи бирор-бир далил мавжуд эмаслиги;



биринчи инстанция судида сўралган жабрланувчи Б.Жабборов ўзининг кўрсатувида, фуқароларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётганлигини эшитганлиги сабабли, оила аъзолари билан маслаҳат қилган ҳолда яшаш уйида қўй боқиш билан шуғулланмоқчи бўлганлиги, қўшни бўлиб яшовчи қариндоши Д.Сиддиқовадан маслаҳат сўраганида кредит олишда ёрдам беришини, ҳужжатларни тўғрилашини айтганлиги, Д.Сиддиқовадан қандай ҳужжатлар тўғрилашини сўраганида Давлат хизматлари марказига бориб, ўзи учун электрон калит олишини, шундан сўнг унинг ўзи банкдан кредит олиши учун аризани ёзиб беришини айтганлиги, Оқдарё туман Давлат хизматлари марказига бориб, ўзини номига электрон калит олганлиги, электрон калитни Д.Сиддиқовага берганлиги, Д.Сиддиқова унга маҳалласида ишловчи ҳоким ёрдамчисини олдига бориб, кредит олмоқчилигини айтишини, у унга тавсифнома беришини айтганлиги, ҳоким ёрдамчисига кредит олмоқчилигини айтганида кредит пулларини нима қилишини сўраганида унга қўй олишини айтганлиги, орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Д.Сиддиқова унга банкка ҳужжатларни топширганлиги, банк томонидан пул таъминотчини ҳисоб рақамига кўчирилса, таъминотчи уларга қўйларни етказиб беришини айтганлиги, у Д.Сиддиқовадан таъминотчи нима эканлигини сўраганида, унга қўйларни олиб келиб бериши керак бўлган одам деб таништирганлиги, Д.Сиддиқовадан таъминотчи қўйларни етказиб берадими деганида у етказиб беришини, бошқаларга ҳам етказиб бераётганлигини, ўзи ҳам гаплашиб кўришини айтиб, телефон рақамини берганлиги, Д.Сиддиқовадан М.Уразалиевни телефон рақамини олганидан сўнг, унга телефон қилиб, ундан қўйларни етказиб бера олишини сўраганида у унга 100 фоиз қўйларни етказиб беришини, у билан шартнома тузганидан сўнг, кредит пуллари кўчса қўйларни етказиб беришини айтганлиги, уни гапларига ишониб, у билан шартнома тузганлиги, М.Уразалиев билан шартнома тузган вақтида у унга жами 33.000.000 сўм кредит пуллар эвазига жами 11 бош қўйларни етказиб бериши керак бўлганлиги, М.Уразалиев унга жами 11 бош қўйларни яшаш уйига юборганлиги, қўйларни олиб қолганидан сўнг, қўйларга қараганида нимжон бўлганлигини, 33.000.000 сўмлик қўйлар бўлмаганлиги, М.Уразалиевга кўнғироқ қилиб, қўйлари нимжон эканлиги, боқолмаслигини айтганида, у унга ҳоким ёрдамчиси яшаш уйига келиб, қўйларни суратга тушириб кетгунга қадар қўйларни қабул қилиб олиб қолганлигини айтишини, расмга тушириб кетгандан сўнг, олиб кетиб зотдор қўйларга алмаштириб беришини айтганлиги, М.Уразалиевни гапларига ишониб, ҳоким ёрдамчиси келган вақтида ушбу 11 бош қўйларни қабул қилиб олганлигини айтиб, расмга тушганлиги, ҳоким ёрдамчиси расмга тушириб кетгандан сўнг орадан бир кун ўтиб, М.Уразалиев қўйларни олиб кетганлиги, қўйларни қайтариб олиб кетгандан сўнг, унга зотдор қўйларни олиб келиб беришини бир неча маротаба сўраганлиги, лекин у Қозоғистондан қўйлар келмаганлигини, келгандан кейин беришини айтиб, унга қўйларни олиб келиб бермасдан, кредит пулларини ўзини эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, ундан ташқари шу вақтлари янғаси Н.Рустамова ҳам ўзини номига кредит чиқариб қўй олмоқчи бўлиб ҳужжатларни у каби



тўғрилаганлиги, лекин уни ҳам М.Уразалиев алдаб кетганлиги, унга ҳам кўйларни олиб келиб бермаганлиги;

биринчи инстанция судида сўралган жабрланувчи Н.Рустамова ўз кўрсатувида, кўшни бўлиб яшовчи Д.Сиддиқовадан кредит масаласи маслаҳат сўраганида кредит олишда ёрдам беришини, хужжатларни тўғрилашини айтганлиги, Оқдарё туман Давлат хизматлари марказига бориб, ўзини номига электрон калит олганлиги, электрон калитни Д.Сиддиқовага берганлиги, уни номидан ариза ёзганлиги, Д.Сиддиқова банкка хужжатларни топширганлиги, банк томонидан пул таъминотчини ҳисоб рақамига кўчирилса, таъминотчи уларга кўйларни етказиб беришини айтганлиги, Д.Сиддиқова унга кўшнилари кўйларни олдида фото суратга тушишини айтганлиги, ундан нима сабабдан суратга тушишини сўраганида, ҳоким ёрдамчиси келиб, кўйларни етказилганлигини текширишини шу сабабли суратга тушиш кераклигини айтганлиги, Д.Сиддиқовага нима сабабдан олиб келиб берилмаган кўйлар учун бошқа кўйларни олдида суратга тушишини сўраганида у унга таъминотчи М.Уразалиев агар суратга тушмаса, банк томонидан унга пул берилмаслигини, пул берилмаса кўйлар олиб келиб берилмаслигини айтганлиги учун у маҳалласи ҳоким ёрдамчиси келган вақтида кўшнилари кўйларини олдида суратга тушиб, ҳоким ёрдамчисига кредит пуллари эвазига ушбу кўйларни олганлигини айтганлиги, ҳоким ёрдамчиси суратга тушириб кетганлиги, фото суратга тушганидан сўнг, банкка чақириб унга имзо кўйдирганлиги, таъминотчи М.Уразалиев кўйларни етказиб бермаганлиги ҳақида баён қилган.

Судланган М.Уразалиев фуқаро Н.Рустамова ва Б.Жабборовни алдаб, уларни ишончига кириб, АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун Н.Рустамовани номига 30.000.000 сўм, Б.Жабборовни номига 33.000.000 сўм миқдоридан кредит ажратилишига эришиб, Н.Рустамова ва Б.Жабборовга чорва молларини етказиб бермасдан ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Бунинг натижасида эса Н.Рустамова ва Б.Жабборовлар чорва молларини ололмай мулкий зарар кўрган.

Ишнинг ҳақиқий ҳолатларига кўра, Н.Рустамова ва Б.Жабборов таъминотчи “Oqdaryo Chorvachilik va Tomorqa Xizmati” МЧЖ томонидан кўйлар етказиб берилганлиги ҳақида банк ва ҳоким ёрдамчисига маълум қилганидан кейин банк томонидан таъминотчи корхона ҳисоб рақамига кредит маблағи ўтказиб берилган.

Бундай ҳолатда, АТБ “Агробанк” Оқдарё тумани филиали томонидан Н.Рустамова ва Б.Жабборовни номига кредит ажратиш жараёнини қонунга зид деб бўлмади.

Суд томонидан судланган М.Уразалиевдан жабрланувчи Н.Рустамовани фойдасига 30.000.000 сўм, Б.Жабборовни фойдасига 33.000.000 сўм ундиришни белгилаш ҳақида асосли хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми санкциясида, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян



ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш назарда тутилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 42-бандида, агар жиноий қилмиш квалификация қилинаётган қонунда қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, уни фақат ЖК 57-моддасида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлганда қўлламаслик мумкин бўлиб, бундай қарор ушбу моддага ҳавола қилинган ҳолда ҳукмда асослантирилиши лозимлиги” хусусида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди М.Уразалиевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, содир этган жинояти оғир жиноятлар турига киришини, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланмаганини ҳамда жабрланувчиларни унга нисбатан даъвоси борлигини, содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, жиноятлари учун қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса-да, бироқ юқоридаги Олий суд Пленуми Қарорининг тушунтиришларига риоя қилмасдан, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашда, мажбурий тарзда тайинланиши лозим бўлган, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тариқасидаги қўшимча жазони қўлламасликни муҳокама қилмасдан хатоликка йўл қўйган.

Ўз навбатида, мазкур ҳолатга кассация инстанцияси суди ҳам эътибор қаратмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, тафтиш инстанцияси ишни кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанция судининг ҳукмини, ажримни ўзгартиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарорларида берилган тушунтиришларига амал қилиб, судланган М.Уразалиевга нисбатан жазо тайинлашда, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўшимча жазо тариқасида тайинлаш назарда тутилган бўлганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазо чорасини қўлламасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510, 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

#### **а ж р и м қ и л а д и :**

Судланган **Уразалиев Мухаммад-Бобур Нуралиевич (Urazaliyev Muxammad-Bobur)**га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2024 йил 1 ноябрдаги ҳукми ҳамда Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 15 сентябрдаги ажрими ўзгартирилсин.

М.Уразалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Суд хукмининг қолган қисми ўзгаришсиз, тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**Ф.Саматов**

**Ҳайъат судьялари**

**(имзо)**

**Т.Алмаматов**

**(имзо)**

**И.Карабаев**

**Аслига тўғри**

